



**SCIENTIFIC AND PRACTICAL ANALYSIS OF  
COOPERATION BETWEEN INTERNAL AFFAIRS BODIES  
AND CITIZENS' SELF-GOVERNMENT BODIES IN THE  
FIGHT AGAINST TERRORISM AND EXTREMISM**

**Mehmonali Suvankulov**

Head of the Department of Legal Sciences at the Institute for  
Advanced Training of the Ministry of Internal Affairs of the Republic  
of Uzbekistan, Candidate of Legal Sciences, Professor

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20718886>

**ARTICLE INFO**

Received: 02<sup>nd</sup> June 2026

Accepted: 08<sup>th</sup> June 2026

Online: 09<sup>th</sup> June 2026

**KEYWORDS**

Terrorism, extremism,  
prevention, internal  
affairs bodies, mahalla,  
cooperation, public  
security.

**ABSTRACT**

*The article examines cooperation between internal affairs bodies and the mahalla institution in preventing terrorism and extremism. It highlights preventive measures, key issues, and recommendations for improving cooperation.*

**ТЕРРОРИЗМ ВА ЭКСТРЕМИЗМГА ҚАРШИ КУРАШИШДА ИЧКИ  
ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ВА ФУҚАРОЛАР ҶИНАТИ ҶИНАТИ БОШҚАРИШ  
ОРГАНЛАРИ ҲАМКОРЛИГИНИНГ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАҲЛИЛИ**

**Мехмонали Суванкулов**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти,

Юридик фанлар кафедраси бошлиғи, ю.ф.н., профессор

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20718886>

**ARTICLE INFO**

Received: 02<sup>nd</sup> June 2026

Accepted: 08<sup>th</sup> June 2026

Online: 09<sup>th</sup> June 2026

**KEYWORDS**

Терроризм, экстремизм,  
профилактика, ички  
ишлар органлари,  
маҳалла, ҳамкорлик,  
жамоат хавфсизлиги.

**ABSTRACT**

*Мақолада терроризм ва экстремизмга қарши курашишда ички ишлар органлари ва маҳалла институти ўртасидаги ҳамкорликнинг асосий жиҳатлари таҳлил қилинган. Профилактик чоралар, мавжуд муаммолар ва ҳамкорликни такомиллаштириш бўйича таклифлар ёритилган.*

Бугунги кунда глобаллашув жараёнлари, ахборот майдонининг кенгайиши ва ижтимоий тармоқларнинг таъсири кучайиб бораётган шароитда терроризм ва экстремизмга қарши курашиш масаласи давлат хавфсизлигининг устувор йўналишларидан бири бўлиб

қолмоқда. Ушбу жараёнда ички ишлар органлари ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги ҳамкорликни янада такомиллаштириш, профилактик ишларни самарали ташкил этиш ҳамда аҳоли билан ишлашнинг янги



механизмларини жорий этиш долзарб аҳамият касб этади.

Айниқса, ёшлар орасида радикал ғояларнинг тарқалиши, ахборот хуружлари, “оммавий маданият” таъсири, шунингдек, ноқонуний миграция билан боғлиқ хавф-хатарлар шароитида профилактик тизимнинг самарадорлигини ошириш ва маҳалла институтининг ролини кучайтириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Шу боис, терроризм ва экстремизмга қарши курашишда ички ишлар органлари ҳамда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги ҳамкорликнинг илмий-амалий жиҳатдан таҳлили ва уни такомиллаштириш йўллари аниқлаш ҳозирги куннинг долзарб илмий-амалий масалаларидан биридир.

Терроризм ва экстремизмга қарши курашиш хизмати ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги<sup>1</sup>, “Терроризмга қарши курашиш тўғрисида”ги<sup>2</sup>, “Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида”ги<sup>3</sup>, “Тезкор қидирув фаолияти тўғрисида”ги<sup>4</sup>, “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги<sup>5</sup> ва бошқа қонунчилик ҳужжатларда белгиланган ваколатлар доирасида ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлик қилади.

“Терроризмга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонун талабларига мувофиқ, терроризм ва экстремизмга

қарши курашиш бўлинмалари ўз фаолиятини фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари билан узвий ҳамкорликда амалга ошириб келмоқда. Хусусан, маҳаллалар, корхона, муассаса ва ташкилотларда сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳамда бошқа профилактик чора-тадбирларни биргаликда ташкил этиш ва амалга ошириш йўлга қўйилган.

Шу билан бирга, “Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ мазкур хизматлар томонидан аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, жамиятда экстремизмга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга қаратилган тизимли ишлар олиб борилмоқда. Бу жараёнда тушунтириш ишларини ташкил этиш, ҳуқуқий тарбия ва таълимни йўлга қўйиш, шунингдек экстремизмга қарши курашиш бўйича ўқув-услубий ҳамда ўқув адабиётларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундан ташқари, маданий анъаналарни мустаҳкамлаш, маънавий-ахлоқий ва ватанпарварлик тарбиясини кучайтириш ҳамда илмий-амалий тадбирларни ташкил этиш бўйича ҳамкорлик механизмлари шакллантирилган.

Юқорида қайд этилган тадбирлар терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бўлинмалари ҳамда уларнинг ҳудудий тузилмалари томонидан ички ишлар органларининг соҳавий

<sup>1</sup> <https://lex.uz/docs/3027843>

<sup>2</sup> <https://lex.uz/docs/29526>

<sup>3</sup> <https://lex.uz/uz/docs/3841957>

<sup>4</sup> <https://www.lex.uz/acts/2107763>

<sup>5</sup> <https://lex.uz/mact/2156899>



хизматлари, ваколатли давлат органлари, шунингдек фуқаролик жамияти институтлари, жумладан фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда амалга ошириб келинмоқда.

Ижтимоий сўров натижаларига кўра, терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бўлинмалари ходимларининг 68,6 фоизи маҳалла раислари, 13,1 фоизи хотин-қизлар фаоли, 7,9 фоизи ёшлар етакчиси, 5,2 фоизи ҳоким ёрдамчилари, 3,7 фоизи ижтимоий ходимлар ва 1,6 фоизи солиқ инспекторлари билан ҳамкорлик қилаётганини қайд этган. Шунингдек, ҳамкорлик ҳолатига баҳо беришда респондентларнинг 5,8 фоизи “аъло”, 84,8 фоизи “қониқарли”, 5,2 фоизи “яхши” ва 4,2 фоизи “қониқарсиз” деб баҳолаган.

Бугунги кунда мазкур хизмат ва унинг ҳудудий бўлинмалари фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда маҳалла ҳудудларида муайян тоифага мансуб шахсларни аниқлаш, улар билан тарбиявий, огоҳлантирув-профилактик, ижтимоий мослашув ва реабилитация тадбирларини амалга ошириш, шунингдек, зарур ҳолларда ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш ишларини тизимли равишда ташкил этиб келмоқда.

Социологик сўров натижаларига кўра, тезкор қидирув ходимлари томонидан ушбу ҳамкорлик амалиёти қуйидаги тоифадаги шахслар билан олиб борилиши эътироф этилган:

а) терроризм билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни содир этганлиги учун жавобгарликка тортилган, профилактик ҳисобга олинган,

шунингдек пробация назорати остида бўлган ва маъмурий назорат ўрнатилган шахслар — 25,7 фоиз;

б) ноқонуний диний фаолият ва диний таълим бериш, тарғибот ишлари билан шуғулланувчи, шунингдек фарзандларини норасмий тарзда чет элга диний таълим олиш учун юборган шахслар — 38,2 фоиз;

в) ноқонуний тарзда чет элга чиқиб кетган ёки узоқ муддат чет элда бўлиб қайтган шахслар — 16,8 фоиз;

г) терроризм билан боғлиқ жиноятлари учун жазо ўтаётган шахсларнинг ҳамда узоқ муддатга чет элга чиқиб кетган шахсларнинг оила аъзолари — 11,5 фоиз;

д) махсус операциялар орқали чет элдан қайтарилган, шунингдек ижтимоий-ҳуқуқий ёрдамга муҳтож бўлган бошқа тоифадаги шахслар — 5,2 фоиз.

Хусусан, 2019 йилдан буён амалга оширилган бешта «Меҳр» гуманитар акцияси доирасида Сурия, Ироқ ва Афғонистон ҳудудларидан жами 531 нафар репатриант Ўзбекистон Республикасига қайтарилган. Ушбу шахсларга ижтимоий, тиббий ҳамда бошқа зарур ёрдамлар кўрсатилган бўлиб, уларни жамиятга мослаштириш бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга оширилган.

Натижалар таҳлилига кўра, бугунги кунда репатриантларнинг 90,2 фоизи замонавий турмуш тарзини олиб бормоқда, 9,8 фоизи эса анъанавий ислом дини қоидаларига амал қилади.

Шунингдек, 2025 йилда узоқ муддат яшаш манзилига қайтган шахслар билан ўтказилган



ўрганишлар натижасида 390 та жиноий ҳолат (шундан терроризм — 285, чегарани бузиш — 10, бошқа жиноятлар — 95) ҳамда 1 421 та маъмурий ҳолат (экстремизм — 1 351, бошқа — 70) аниқланган<sup>6</sup>.

Мазкур тоифадаги шахслар билан амалга ошириладиган профилактик чора-тадбирлар асосан якка тартибда ташкил этилиб, уларга амалий ёрдам кўрсатиш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш, жамиятга мослаштириш ҳамда реабилитация қилишга йўналтирилган комплекс ёндашувни қамраб олади.

Шунингдек, мазкур хизмат ва унинг ҳудудий бўлинмалари фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда маҳаллалар ҳудудида ноқонуний фаолият юритаётган норасмий ва ноисломий тузилмаларни аниқлаш, хусусан ноқонуний диний ташкилотлар, оқимлар, секталар, шунингдек миссионерлик ва прозелитизм фаолияти билан шуғулланувчи шахсларга нисбатан огоҳлантирув-профилактик ҳамда ҳуқуқий таъсир чораларини амалга ошириб келмоқда.

Хусусан, 2025 йил давомида Терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бўлинмалари томонидан 558 та “ҳужра”, 229 та ноқонуний намозхона, 157 та ноқонуний диний жамоат фаолияти ҳамда 973 та интернет ва ижтимоий тармоқлар орқали ёт ғояларни тарқатиш ҳолатларига барҳам берилган<sup>7</sup>.

Бундан ташқари, терроризм ва экстремизмга қарши курашиш хизмати ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари бугунги кунда инсон, жамият ва давлат хавфсизлигига таҳдид солувчи жиноий қилмишларнинг сабаблар занжирида кузатилаётган “оммавий маданият”, “ахборот хуружи”, “ноқонуний миграция” каби замонавий таҳдид ва хавф-хатарларга қарши курашиш, шунингдек уларнинг олдини олиш бўйича профилактик чора-тадбирларни фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда амалга ошириб келмоқда.

Биринчидан, “оммавий маданият” таъсирига қарши курашиш ва унинг салбий оқибатларини бартараф этиш йўналишида маҳалла ҳудудларида муайян ижтимоий хулқ-атворга эга шахслар, шу жумладан интернет тармоқларида турли мазмундаги контентларни тарқатувчи фойдаланувчилар (блогерлар, тиктокерлар, вайнерлар), шунингдек ноанъанавий маданий-кийиниш услубига эга шахслар фаолиятини ўрганиш, улар билан тарбиявий, профилактик ва зарур ҳолларда ҳуқуқий таъсир чораларини амалга ошириш ишлари ташкил этилмоқда.

Ижтимоий сўров натижаларига кўра, респондентларнинг 42,4 фоизи терроризмга қарши курашиш бўлинмалари томонидан “оммавий маданият” таъсирининг олдини олиш

<sup>6</sup> <https://kun.uz/kr/news/2024/09/04/mehr-operatsiyasida-ozbekistonga-qaytarilganlarning-98-foizi-ananaviy-islom-diniga-etiqod-qiladi-botirtursunov>

<sup>7</sup> <https://gov.uz/uz/iiv/pages/ichki-ishlar-vazirligi-faoliyatiga-oid-hisobotlar>



йўналишида маҳалла “еттилиги” аъзолари билан ҳамкорлик амалга оширилаётганини қайд этган.

Шунингдек, тадқиқот таҳлилларида айрим давлатларда ижтимоий-иқтисодий ва маданий жараёнлар таъсирида бир жинсли оилалар институтининг ҳуқуқий жиҳатдан тан олиниши ҳолатлари мавжудлиги қайд этилган бўлиб, бундай амалиётлар қатор мамлакатларда расмий тартибга солингани таъкидланади<sup>8</sup>.

Табиийки, “оммавий маданият” ниқоби остида ахлоқий бузуқлик, зўравонлик, индивидуализм ва эгосентризм ғояларини тарқатиш, шунингдек, моддий манфаат орттириш мақсадида ахборот таъсир воситаларидан фойдаланиш ҳолатлари турли жамиятлар учун ташвишли тенденция сифатида баҳоланмоқда. Бундай жараёнлар айрим ҳолларда халқларнинг кўп асрлик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий асосларига нисбатан беписанд муносабат шаклланишига ҳам олиб келмоқда.

Шу билан бирга, мамлакатимизда шахсиятпарастликни кучайтириш, жамият бирлигини заифлаштириш ҳамда миллий маданий қадриятларга салбий таъсир кўрсатишга қаратилган ахборот таъсири кузатилмоқда. Ушбу жараёнлар айрим ҳолларда хорижий таҳлилий ва эксперт марказлари доирасида шакллантирилиб, ахборот оқимлари

орқали тарқатилиши билан бирга, афсуски, маҳаллий фуқароларнинг ҳам ушбу жараёнларга жалб этилиши ҳолатлари учраб туриши қайд этилмоқда<sup>9</sup>.

Иккинчидан, оммавий норозиликларнинг олдини олиш йўналишида маҳалла ҳудудларида вужудга келиши мумкин бўлган ижтимоий норозилик кайфиятига эга шахслар тоифасини аниқлаш ва улар билан профилактик ишларни ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада ҳокимият ва давлат органлари фаолиятдан асоссиз норози бўлган шахслар, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятига танқидий ёндашув билдирувчилар, норасмий ҳуқуқ ҳимояси билан шуғулланувчи ташаббускор гуруҳлар ҳамда воқеликка нисбатан бир томонлама ёки шубҳали муносабатда бўладиган фуқаролар билан тушунтириш ва огоҳлантирув-профилактик ишлар амалга оширилади. Шу билан бирга, мазкур йўналишда уларга нисбатан қонун доирасида тегишли профилактик ва ҳуқуқий таъсир чораларини кўришда Терроризмга қарши курашиш бўлинмалари ҳамда маҳалла “еттилиги” аъзолари ўзаро ҳамкорлик қилади.

Ижтимоий сўров натижаларига кўра, респондентларнинг 13,6 фоизи оммавий норозиликларнинг олдини олишда мазкур хизмат ва маҳалла тизими ўртасида амалий ҳамкорлик мавжудлигини қайд этган.

8

[https://ipkmvd.uz/media/pdf/kitoblar/atsnavun\\_kd1M9G3.pdf](https://ipkmvd.uz/media/pdf/kitoblar/atsnavun_kd1M9G3.pdf)

9

[https://ipkmvd.uz/media/pdf/kitoblar/atsnavun\\_kd1M9G3.pdf](https://ipkmvd.uz/media/pdf/kitoblar/atsnavun_kd1M9G3.pdf)



Терроризм ва экстремизмга қарши курашиш хизмати ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда маҳаллаларда терроризм ва экстремизмнинг олдини олишга қаратилган комплекс профилактик фаолиятни амалга ошириб келмоқда.

Ушбу фаолият қуйидаги асосий йўналишларни ўз ичига олади:

– ватанпарварлик, миллий анъаналар, маънавий қадриятлар ва бағрикенглик ғояларини кенг тарғиб қилиш;

– вояга етмаганлар ва ёшлар орасида экстремистик ва террорчилик ғояларининг тарқалишини барвақт олдини олиш;

– хотин-қизларнинг ҳуқуқий онгини ошириш ҳамда уларнинг ушбу соҳадаги фаол иштирокини кучайтириш;

– узоқ муддат хорижда бўлиб қайтган фуқароларни радикал таъсирлардан ҳимоя қилиш;

– интернет тармоғида экстремистик ва террорчилик мазмунидаги ахборотларга қарши курашиш;

– фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситаларини профилактик ишларга кенг жалб этиш;

– шунингдек, экстремистик фаолият ва уни молиялаштириш ҳолатлари учун ҳуқуқий жавобгарликни таъминлаш ҳамда норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

Ўтказилган ижтимоий сўров натижаларига кўра, ИИБ Жазони

ижро этиш департаменти ҳамда ТҚКБ тизими ходимларининг 52,9 фоизи терроризм ва экстремизмга қарши курашиш йўналишида самарали фаолият юритиш учун диний билим ва касбий малака етарли эмаслигини қайд этиб, махсус малака ошириш курсларини ташкил этиш зарурлигини билдирган.

Шунингдек, маҳалла “еттилиги” аъзолари ўртасида ўтказилган сўровда иштирок этганларнинг 67,1 фоизи ҳам маҳаллаларда профилактик тарғибот ишларини самарали олиб бориш учун диний саводхонликни оширишга қаратилган ўқув курсларини ташкил этиш лозимлигини таъкидлаган.

Мазкур ҳолатлар ТҚКБ тизими ходимлари ва маҳалла “еттилиги” аъзоларининг касбий ва диний билимларини такомиллаштиришга қаратилган узлуксиз ўқув-малака ошириш тизимини жорий этиш зарурлигини кўрсатади.

**Хулоса.** Таҳлиллар шуни кўрсатадики, терроризм ва экстремизмга қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари ҳамда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги ҳамкорлик тизими шаклланган бўлса-да, унинг самарадорлиги барча йўналишларда бир хил эмас. Ҳамкорлик асосан профилактика ва ахборот-тушунтириш ишларида нисбатан юқори даражада намоён бўлиб, айрим йўналишларда — хусусан, мониторинг, қайта ижтимоий мослаштириш, ахборот таҳдидларига қарши курашиш ва ягона ҳисобот тизимида такомиллаштиришни талаб этади.



Шу билан бирга, маҳалла институтининг жойлардаги таъсир имкониятлари ҳамда аҳоли билан яқин алоқаси профилактик ишларнинг самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Бироқ мавжуд амалиётда идоралараро маълумот алмашинуви, ягона методик ёндашув ва кадрлар малакасини ошириш тизими етарли даражада йўлга қўйилмаганлиги қайд этилмоқда.

Ушбу ҳолатлардан келиб чиқиб, қуйидаги амалий таклифлар илгари сурилади: терроризм ва экстремизмга қарши курашиш соҳасида идоралараро ҳамкорликни ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатдан янада такомиллаштириш; ягона электрон

мониторинг ва ҳисобот тизимини жорий этиш; профилактик фаолиятда маҳалла институтининг ролини кучайтириш; ходимларнинг касбий ва диний-ҳуқуқий билимларини оширишга қаратилган махсус ўқув курсларини ташкил этиш; шунингдек, ахборот хуружлари ва радикал ғояларга қарши курашишда замонавий коммуникацион воситалардан кенг фойдаланишни йўлга қўйиш.

Умуман олганда, мазкур йўналишдаги ҳамкорлик механизмларини такомиллаштириш жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда жамиятда барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.